



Продолжение 14  
27.02.2018

2018 у.г. «28» июн

№ 2125-К

Самарқанд т.-р.Самарқанд

**Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини**  
**МЧ “Кониғил-агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Фаҳриддинов**  
**Ёдгорга автокемпинг қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа хўжалиқлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2016 йил 30 мартдаги 11-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Фаҳриддинов Ёдгорнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Фаҳриддинов Ёдгорга автокемпинг қуриш учун тумандаги “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ “Кониғил-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 0-контуридан жами 1,05 га (шундан: 0,60 га автокемпинг қуриш учун ва 0,45 га ободонлаштириш учун 61-балл бонитетли сувли ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 6-сонли қарорининг 1-иловасига асосан автокемпинг қуриш ва ободонлаштириш учун ратификацияланган 1,05 га 61 балл-бонитетли сувли ҳайдалма ер майдони учун 35 820 603 сўм миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб қисмига ўтказиш вазифаси фуқаро Фаҳриддинов Ёдгорга юклатилсин.
4. Автокемпинг қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳисобларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Фаҳриддинов Ёдгорга топширилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Кадиров